

Хўжайли тумани «Саманкол» ОФЙ Каргашы кўчасини жорий таъмирлаш смета
хужжатларини ишлаб чиқиш учун
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

- Буюртмачи: ҚР «Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК
- Лойиҳа учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2022 йил 23-24-февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 25 февраль куни ўтказилган 16-сонли йиғилиш баёни.
- Молиялаштириш манбай: Давлат бюджети маблағлари
- Бош лойиҳачи ташкилот: Тендер савдолари натижаси билан аниқланади.
- Бош пудратчи ташкилот: Тендер савдолари натижаси билан аниқланади.
- Қурилиш тури: Жорий таъмирлаш
- Объект жойлашган ҳудуд: Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани «Саманкол» ОФЙ
- Объектнинг лойиҳавий қуввати: Объектнинг бошланиши, узунлиги, эни ва охири ҳамда ишлар ҳажми нуқсон далолатномалари асосида аниқланади.
- Посёлка ва шаҳарлар кесишмаларида ички йўлининг ҳолати: зарур ҳолларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ишлари, йўл базаси ва тротуарнинг алоҳида қисмларини таъмирлаш.
- Ер тури: текис
- Йўлнинг техник тоифаси: мавжуд параметрларга мувофиқ
- Режалаштирилган техник-иқтисодий асос: талаб қилинмайди.
- Мавжуд ер ости ва ер усти тузилмалари: заруратга асосан фойдаланиш.
- Сунъий тузилмалар: бетон қувурлар ва кўприк элементларини текшириш ҳамда агар керак бўлса таъмирлаш.
- Қоплама тури: мавжуд параметрларга мувофиқ
- Қурилиш муддати: икки ой
- Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тугатиш: шартнома асосида
- Лойиҳалаш ва тадқиқот ташкилотини молиялаштириш ишлари: Буюртмачи томонидан
- Муҳандислик кидирув ишларининг зарурлиги: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги норма ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.
- Топшириш ва қабул қилиш тартиби: Лойиҳа смета хужжатлари ушбу топшириқ талабларига биноан ишлаб чиқилади ва 3 нусхада, электрон вариантда ҳамда амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган ҳолда буюртмачига топширилиши лозим. Топширилган лойиҳа смета хужжатларини буюртмачи корхона томонидан 10 кун мобайнида кўриб чиқилиб аниқланган камшилиқлар бартарап етилади. Агарда ундан кейин камшилиқлар аниқланса, лойиҳачи корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мажбурятини олади. Объектдаги ҚМИ бошланганидан то яқунлангунига қадар, яъни объект фойдаланишга топширилгунгача, лойиҳачи ташкилот томонидан муаллифлик назорати олиб борилади.
- Алоҳида шартлар: Юқори турувчи орган томонидан лойиҳа-смета хужжатларини ўрганиб чиқиш натижасига кўра камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда лойиҳачи ташкилот жабовгар бўлиш билан биргаликда, хужжатларга ўзгартириш киритиш лозим деб топилган ҳолларда лойиҳа-смета хужжатларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиб хужжатларга қайтадан ўз маблағлари ҳисобидан давлат экспертизадан ўтказиш мажбурятини олади.

Тайёрлаган:  Б.Ерниязов